



Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 Sentyabr
№32**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
3-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-3**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-3**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 32-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Жаҳонов Темурхон Ҳаким ўғли КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИДА ДИНИЙ ИНШОТЛАР (ШИМОЛИЙ БАҲТРИЯ МИСОЛИДА)	7
2. Матназарова Гулноз Бахтиёровна ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ЗЕБ-ЗИЙНАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ БЕЗАКЛАРИ ЯСАЛИШИ ВА ТАҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР	10
3. Гўзалой Юсупова, Абдуллаева Уллийим ОҒАҲИЙНИНГ МИРОБЛИК ФАОЛИЯТИ.....	15



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИДА ДИНИЙ ИНШОТЛАР (ШИМОЛИЙ БАКТРИЯ МИСОЛИДА)

Жахонов Темурхон Хаким ўғли
Фанлар академияси Санъатшунослик
институтини таянч докторанти
+998937666969
Ksenipa6969@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада кушонлар шаҳарсозлигида диний иншоотларнинг турлари, характеристикаси ҳақида тадқиқотчининг таҳлиллари берилган. Диний иншоотлар шаҳарнинг қайси қисмида жойлашганлигига қараб ҳамда диний иншоотларнинг қайси динга тегишли эканлигига кўра таснифланган. Шу билан бирга диний иншоотнинг шаҳарсозликдаги ўрни очиқ берилган.

Калит сўзлар: Диний иншоот, ступа, вихара, буддавийлик, зардуштийлик, “сулолавий” сиғиниш, тош ибодатхона, эҳромлар, монастыр.

Инсоният тарихида қуришни, бино қилишни ўзлаштирган дастлабки вақтларданок диний иншоотлар барпо қилиниши кузатила бошланди. Вақт ўтиши билан шаҳарлар қурила бошлагандан сўнг, шаҳарнинг алоҳида жойида диний иншоот (эҳромлар, зиккурат, мақбара ва бошқа)лар қад кўтаради. Диний иншоотлар маълум бир даврдаги диний эътиқод ҳақида хабар берувчи энг қимматли манба ҳисобланади. Унинг меъморий ечими ҳамда шаҳардаги жойлашуви эса диний иншоотларнинг шаҳарсозликдаги аҳамияти ва маълум диннинг жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот беради.

Шимолий Бактрия ҳудудидаги кушонлар даврига оид ёдгорликлар топилишининг дастлабки даврлариданок диний иншоотлар аниқлана бошланди. Кушонлар даври ёдгорликларида мавжуд диний эътиқод учун мўлжалланган иншоотларни шаҳардаги жойлашув ўрнига қараб **шаҳар ташқарисида** ва **шаҳар ичида** жойлашган иншоотларга ажратиш мумкин. Бундан ташқари, диний иншоотларнинг қайси диний қарашга тегишлилигига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин: **буддавийлик** диний иншоотлари, “**сулолавий**” сиғиниш ва **зардуштийлик** динига оид иншоотлар ҳамда бошқа диний эътиқодларга мўлжалланган иншоотлар.

Шу билан бирга эллинизм даврида ҳудудга кириб келган турли юнон илоҳларига сиғиниш кушонлар даврида ҳам сақланиб қолган. Аммо, бу кўпроқ ҳайкалтарошлик ва турли терракота ҳайкалчаларда ўз ифодасини топган.

1926-1928-йилларда Эски Термизда тадқиқот олиб борган Шарқ Маданияти музейи тадқиқотчилари иштирокидаги экспедициянинг дастлабки мавсумида экспедиция аъзоси А.С.Стрелков томонидан шаҳар четидagi “Зурмала” минораси буддавийлик ступаси эканлигини аниқланди¹. Кейинчалик, иншоот атрофидан аниқланган топилмалар ҳамда уни қуришда ишлатилган квадрат шаклдаги хом ғишт эканлигига асосланиб, ушбу иншоот антик даврга тегишли эканлиги қайд этилади. Г.А.Пугаченкованинг тадқиқотлари давомида Зурмала буддавийлик ступаси эканлиги ўз тасдиғини топган бўлсада, иншоот яқка қурилганми ёки бизгача сақланмаган мажмуанинг бир қисми эканлиги масаласи очиқ қолади².

¹ Болганова М.С. Архитектура буддийских памятников Средней Азии: дис. ... кандидат архитектуры наук: 18.00.01. Ташкент, 2010. С 16.

² Ўша жой. С 18.



Кушонлар даврида кенг тарқалган, мавказий ҳокимият томонидан қўллаб қувватланган диний эътиқод бу **буддавийлик** дини ҳисобланади. Мавжуд ёзма манбаларга кўра, ушбу ҳудудларда буддавийлик ибодатхоналари талайгина бўлган. Сўнгги йиллардаги илмий таҳлилларга кўра, 1926-1988-йиллар мобайнида Ўрта Осиёда 28та буддавийлик иншооти, шундан 16 таси Бактрия-Тохаристон ҳудудидан аниқлангани қайд этилади¹.

Ўрта Осиёдаги буддавийлик ёдгорликларининг архитектурасини тадқиқ этган тадқиқотчи М.С.Болганова буддавийлик диний иншоотларини диннинг ватани Ҳиндистондаги меъморий иншоотларига асосланиб ступа, ибодатхона, монастирлар каби турларга бўлиб чиқади². Бироқ сўнгги йилларда тадқиқотчи Т.Г.Дорофеева ўзининг диний иншоотлар тарихига бағишланган изланишларида буддавийлик диний иншоотларини қуйидаги турларга бўлади: **ступалар, тош ибодатхоналар ва зиёратгоҳлар (святилища, чаитя), кейинчалик ердаги ибодатхоналар, монастирлар ва монастир мажмуалари (вихара)**³. Ушбу таснифни буддавийлик иншоотларининг ривожланиб боришига асосланиб типлаштириш сифатида қабул қилиш мумкин. Бу эса кушонлар давридаги буддавийлик иншоотларини келиб чиқиши ва қурилиш кетма-кетлигини аниқлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Сўнгги тадқиқотларга кўра, Шимолий Бактрияда жойлашган Фаёзтепа ўрнида мавжуд бўлган илк буддавийлик иншоотининг пайдо бўлган даври мил.ав I асрнинг охири – мил. I асрнинг биринчи ярми эканлиги аниқланди⁴.

Кушонлар даври диний эътиқодларига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу даврда бир нечта динларга сиғинилган. Давлатда энг аввало “**сулолавий сиғиниш**” мавжуд бўлган бўлиб, бу сиғиниш дастлаб нумизматик манбаларда сулола ҳукмдорларининг иконографиясида ўз аксини топади. Кейинчалик эса бу археологик қазилмалар натижасида аниқланган сулолавий мажмуаларда қайд қилинган. Бундай турдаги биринчи мажмуа Ҳиндистондаги Матда аниқланган. Ушбу мажмуада кушон ҳукмдорларидан – Вима Токто, Канишка ҳамда бошқаларнинг тошдан ишланган ҳайкаллари аниқланган. Бу турдаги сулолавий ибодатхона Шимолий Афғонистондаги Сурх-Кўтал ёдгорлигида ҳам аниқланган. Сурх-Кўталдаги сулолавий ибодатхонадан фарқли тарафи ҳукмдор ҳайкаллари лойдан ишланганлиги ҳисобланади⁵. Бундан ташқари сулолавий сиғиниш мажмуалари Шимолий Бактрия ҳудудида ҳам аниқланган бўлиб, ўтган асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллари бошида Холчаён ёдгорлиги аниқланиб, дастлабки мулоҳазаларга кўра илк кушонлар саройи деб талқин қилинган. Мажмуа деворлари лойдан ишланган ҳайкаллар билан безатилган бўлиб, ўша вақтда аниқланган меъморий иншоот йирик мажмуанинг бир қисми бўлиб, сақланган манбалар ҳам ушбу мажмуани сулолавий ибодатхона дейишга асос бўлиши таъкидланади. Шу билан бирга, ўзбек-франсуз экспедицияси томонидан Чингизтепа ҳудудидаги қазилмаларда ҳам сулолавий сиғинишга оид бўлган иншоот қолдиқлари аниқланган. Аммо, иншоотнинг етарли даражада сақланмаганлиги туфайли, унинг архитектураси ҳақида фикр юритиш мушкул⁶.

Бундан ташқари кушонлар даврига оид **зардуштийлик** динига оид диний иншоотлар – **дахмалар, алтарлар** ҳам аниқланган бўлиб, дахмалар асосан шаҳар атрофларида қайд этилган, алтарлар эса турли жойларда ҳатто баъзи турар-жойларда ҳам учрайди. Г.А.Пугаченкова Холчаён ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бориш мобайнида дахмага дуч келгани қайд этилади. Шу билан бирга, Г.А.Пугаченкова архитекторлар В.А.Нильсен ва А.В.Шукуров ҳамроҳлигида 1960 йилларда Далварзинтепанинг топографик тарҳини олган ва “науc” (узана)га дуч келганлиги ҳам маълум. Тадқиқотлар давомида уздананинг тепа қисмидан дахма сифатида фойдаланилганлигини таъкидланади⁷.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Э.В.Ртвеладзе Кампиртепа ёдгорлигида зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестонинг Видевдат қисмида тилга олинган уч турдаги

¹ Ўша жой. С 148.

² Ўша жой. С 51-52.

³ Дорофеева Т.Г. Культурные сооружения в истории религии. Пенза: : РИО ПГСХА, 2015. С 88.

⁴ Аннаев Ж ТАРМИТА–ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК МАРКАЗЛАРИ МАДАНИЯТИ : автореф. дис. ... Phd тарих фан: 07.00.01. Т, 2021. С. 16.

⁵ Мкртычев Т.К. Кушанское искусство Северной Бактрии (Южный Узбекистан): основные характеристики // Творческие процессы и концепции. 2019. №№4. С. 548-563.

⁶ Ўша жой. С. 548-563

⁷ Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966. С 242.



дафн иншоотлари – ката, даҳма ва уздана очиб ўрганилганлигини қайд этган¹. Бунга қўшимча равишда Ялангтўштепа ва Тепаи-Шоҳ ёдгорликларида ҳам науслар учраши ҳамда шаҳардан узокрокда жойлашган даҳмаларда майитлар сақланганлиги ва маълум вақт ўтгач суяклари йиғиб келинганлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланади². Ёш тадқиқотчи Қ.Тошалиев ўзининг Ўрта Осиёдаги зардуштийликка оид диний иншооти ҳисобланмиш даҳмаларга бағишланган тадқиқотларида юқоридаги малумотларга асосланиб, Шимолий Бактрия ҳудудидан антик даврга оид ёдгорликларда ҳам бундай турдаги иншоотлар аниқланганини ҳамда даҳмаларнинг келиб чиқиши бронза даврга бориб тақалишини таъкидлайди³.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, Шимолий Бактриядаги кушонлар даври маданий қатламларига эга шаҳарларда шу пайтга қадар буддавийлик, задуштийлик, ажодлар руҳига сиғиниш эътиқодига мансуб диний иншоотлар аниқланган. Улардан энг кўп тарқалгани сифатида буддавийлик диний иншоотлари дейишимиз мумкин. Аниқланган буддавийлик диний иншоотлар шаҳар ташқарисида, шаҳар марказида жойлашган. Бундан кўришиб турибдики, кушонлар даврида буддавийлик дининг муҳим ўрин тутганлиги сабабли, шаҳарга ёндош ҳамда шаҳар марказидан ҳам диний иншоот қуриш учун жой ажратилган.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Болганова М.С Архитектура буддийских памятников Средней Азии: дис. ... кандидат архитектуры наук: 18.00.01. Ташкент, 2010. С 16.
- 2) Дорофеева Т.Г. Культурные сооружения в истории религии. Пенза: : РИО ПГСХА, 2015. С 88.
- 3) Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., 1990. С82.
- 4) Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966. С 242.
- 5) Ртвеладзе Э.В. Зороастризм в Бактрии // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001. С. 99-102.
- 6) Тошалиев Қ. Среднеазиатские дахмы // Муғаллим ҳам узликсиз билимлендири. Илимий-методикалык журнал. Некис, 2019.104-107 б.
- 7) Аннаев Ж Тармита–Термиз буддавийлик марказлари маданияти : автореф. дис. ... Phd тарих фан: 07.00.01. Т, 2021. С. 16.
- 8) Мкртычев Т.К. Кушанское искусство Северной Бактрии (Южный Узбекистан): основные характеристики // Творческие процессы и концепции. 2019. №№4. С. 548-563.

¹ Ртвеладзе Э.В. Зороастризм в Бактрии // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001. С. 99-102.

² Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., 1990. С 82.

³ Тошалиев Қ. Среднеазиатские дахмы // Муғаллим ҳам узликсиз билимлендири. Илимий-методикалык журнал. Некис, 2019.104-107 б.



ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ЗЕБ-ЗИЙНАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ БЕЗАКЛАРИ ЯСАЛИШИ ВА ТАҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Матназарова Гулноз Бахтиёровна

Урганч давлат университети

Тарих кафедраси ўқитувчиси

Elektron pochta: mgulnoz@bk.ru

Аннотация: Мақолада Хоразмликларнинг анъанавий зеб-зийнатлари ва миллий безакларининг манбаларда ёритилиши тўғрисида айрим мулохазалар берилган.

Калит сўзлар: тақинчоқ, безак, узук, Хумбузтепа, Аёзқалъа, А.Давлетов, М.Матчанов, У.Бобожонов, М.Сеитов, Ичан-қалъа, Бургутқалъа

Тақинчоқлар ҳам худди кийимлар сингари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, уларнинг ўзига хослиги миллий хусусиятлар, бир халқнинг бошқа этнос ёки этник гуруҳлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари, сиёсий тузумнинг миллий маданиятга таъсири ва бошқаларда намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг этник тарихидаги миллий анъаналари, ижтимоий муносабат ва мафқуранинг айрим хусусиятлари тақинчоқларнинг нафислигида ҳам ўз аксини топади.[1]

Тақинчоқларнинг нақш ва безагида у ёки бу этноснинг асрлар давомида ардоқланиб келинган миллий анъаналар, ижодий маҳорати ва бадиий диди ҳам ёрқин намоён бўлади. Анъанавий тақинчоқлар мажмуи ҳам худди кийимлар сингари маълум бир этнос ҳамда этнографик ва маҳаллий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.[2]

Безаклардан фойдаланишга талаб кучая бошлагач, уларнинг турлари алоҳида мазмун моҳият касб этган. Яъни тақинчоқлар ҳар хил турларга бўлиниб, инсу-жинслардан асровчи, касалликлардан халос этувчи, турли ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, жамиятда кишининг кимлигини, унинг мавқеини белгиловчи восита вазифасини бажара бошлаган. Бундай тақинчоқлар пешона, бўйин, қулоқ, бурун, кўл ва оёқ панжаларига тақилиб, улар кўзли ё кўзсиз бўлган ҳамда хат ва нақшлар билан безатилган.

XX аср бошларигача Ўзбекистонда маълум бўлган заргарлик мактаблари ичида Хоразм мактаби маънодорлиги ва бадиий тўхтамнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Уларга соф шаҳар санъатини ифодаловчи хусусиятлар хосдир. Ҳар қандай заргарлик мактаблари сингари Хоразм мактаби ҳам бошқа марказлар билан яқин алоқада ривож топди. Лўндалик ва шаклининг маҳобатлилиги, безак ва чизикларнинг қатъийлиги хос бўлган, дашт маданияти анъаналарини сақлаб қолган қорақалпоқ ва туркман заргарлик санъати билан Хоразм мактабининг ҳамоҳанглиги кузатилади. Хоразм, туркман ва қорақалпоқ заргарлик буюмлари тузилиши ва моҳиятига кўра мос келади, аммо Хоразм заргарлик маҳсулотлари ҳар бир тури заргарлик буюмларига шаклнинг нозик майдаланган хусусиятини олиб кирган шаҳар заргарлиги таъсири остида маълум ўзгаришга учраган. Аммо асосий фарқ ишлаб чиқариш технологиясида кузатилади, яъни хоразмликлар кумуш ва олтинга ўйма ишлов туширишган. Улар ўз маҳсулотларини кўп миқдорда маржон ва феруза тошлари, рангли ойналар билан безатишган бўлса, қорақалпоқ ва туркман заргарлик ашёлари кўринишидан кўра оғирроқ бўлган яхлит кумушдан ишланган. Уларда олтиндан ясалган ашёлар камроқ учрайди.

Амалда туркман кумуш тақинчоқлари Хоразм тақинчоқлари билан ўхшашдир. Хусусан, такадўзи туркман таҳясига ўхшайди. Кўплаб солинчоқлар осилиб турган думалок, тўртбурчак, олтибурчак ёки саккизбурчак тахтасимон ёки қубба шаклидаги бу тақинчоқ аёл жангчиларнинг дубилғасига тақилган. Моҳиятан туркманча кўринишдаги дубилғага ўхшаш бўлсада, Хоразм тақинчоғида безак ўзгариши билан анъанавийликдан бир мунча чекинганлик кузатилади. Натижада, энди дубилға ўхшамаган кўпбурчакли тахтачалар пайдо бўлган.

Хоразмликларнинг анъанавий тақинчоқлари ўзининг тузилиши жиҳатидан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшовчи ўзбеклар тақинчоқларидан фарқ қилади [3] Воҳада тақинчоқларнинг архаик шакллари яхши сақланиб қолган. Археологларнинг фикрича, азалдан тақинчоқларни асосан аёллар тақишган бўлса-да, баъзи даврларда эркаклар



орасида ҳам тақинчоқлар тақиш урф бўлган.[4] Эркаклар ўртасида 60-70 йиллардан бошлаб, аёллар орасида эса 70-йилларнинг бошларидан эътиборан қўлга соат тақиш урф бўлган. Хоразмда заргарлик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини қадимги Хоразм ҳудудидан топилган моддий ашёлардан ҳам билиш мумкин. Масалан, С.П.Толстов “Древний Хорезм”, Я.Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарларидаги тадқиқот натижасида аниқланган Тупроққалъа деворларидаги аёл тасвирида [5] ҳам аёлнинг қулоғида учбурчак шаклдаги сирға (III аср), Аёзқалъа (I-IV асрлар), Якка Парсон (III-IV асрлар), Бургутқалъа (V аср), атрофларидан топилган нафис тақинчоқлар, Хумбуз тепадан топилган аёл хайкалчаси бошидаги диодема кабилар Хоразм заргарлигининг қадимги шакллари-ни ўзига хос хусусиятларини тавсифлашга ёрдам беради. Тақинчоқларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ичида турли тарихий-этнографик минтақаларга хос локал-худудий хусусиятлари ва рамзий функцияларининг ажралиб туриши муҳим аҳамият касб этади.[6]

XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда заргарлик санъати энг ривожланган давр бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.[7] XX аср бошларигача Ўзбекистондаги машҳур заргарлик мактаблари ичида Хоразм заргарлиги мактаби ўзига хос локал хусусиятлари билан ажралиб турган. Безакларни тайёрлашда усталар куйиш, босмалаш, сирлаш, қирқиш, олтин билан қоплаш каби техниканинг анъанавий усулларида фойдаланганлар. 1830-1840 йилларда Хивада ривожланган заргарлик хунарига эга усталарни “олтин ва кумуш иш усталари” деб аташган.

Хива, Урганч, Хозорасп, Хонқа шаҳарларида заргарлик маҳаллалари бўлиб, Хивада 1860 йилда 15 дан зиёд заргарлик дўкони ишлаб турган. Хоразм заргарлари асарлари бой шакллари, ажойиб безак жиҳатларига эгаллиги, мураккаб композицион тузилиш, нозик ишлов усули, маржонлар билан безатилган занжирсимон шокилалар, заргарлик санъатида мўл – қўлчилик рамзи бўлган барг, ғунча, куртак, дон сингари солинчоқлар, ранг-баранг шишалардан ясалган қадама нақшлардан иборат санъат наъмуналари дир.[8]

Хоразм мактаби ҳам бошқа марказлар билан яқин алоқада ривож топди. Лўндалик ва шаклининг маҳобатлилиги, безак ва чизиқларнинг қатъийлиги хос бўлган, дашт маданияти анъаналарини сақлаб қолган қорақалпоқ ва туркман заргарлик санъати билан Хоразм мактабининг ҳамоҳанглиги кузатилади. Хоразм, туркман ва қорақалпоқ заргарлик буюмлари тузилиши ва моҳиятига кўра мос келади, аммо Хоразм заргарлик маҳсулотлари ҳар бир тури заргарлик буюмларига шаклининг нозик майдаланган хусусиятини олиб кирган шаҳар заргарлиги таъсири остида маълум ўзгаришга учраган. Улар ўз маҳсулотларини кўп миқдорда маржон ва феруза тошлари, рангли ойналар билан безатишган бўлса, қорақалпоқ ва туркман заргарлик ашёлари кўринишидан кўра оғирроқ бўлган яхлит кумушдан ишланган. Уларда олтиндан ясалган ашёлар камроқ учрайди.[9]

Тақинчоқ ибтидоси диққатни тортади, негаки камон кўчманчи уруғларнинг ҳаёт тарзининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу нарса маълумки, камон шаклидаги тақинчоқни бўйинда осиб юриш одатда кишининг бел томонини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Кийимнинг орқа томони елка қисмида мавжуд бўлган туркманларнинг “ўқ-ёй” тақинчоғи Хоразм тақинчоғига ўхшаб кетади. Туркманларники ҳажман катта бўлади, 15-17 см, узунликдаги шаклининг қатъийлиги ва ихчамлиги билан эътиборни тортади. У туркман усталарининг маҳорати билан бир қанча рангли тошлар билан безатилади. Солинчак ўқлар кўп эмас ва шаклан содда.

Хоразмликларнинг анъанавий тақинчоқларининг кўпчилиги уларнинг бой кийимлари билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Бу воҳада бош кийимга нисбатан алоҳида қараш (хурмат маъносида) мавжудлиги билан изоҳланади. Тақинчоқларда уни эгасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ёшини ҳамда яшаётган жойи (шаҳар қишлоқ) ҳақида маълумот олиш мумкин. Умуман олганда, тақинчоқларда халқимизнинг бой ижодий анъаналари, маънавий мероси ҳамда бадиий-эстетик тафаккури ўз ифодасини топган[10]

XIX-XX асрларда воҳа заргарлари тақинчоқларни яшашда садаф, феруза, ҳақик, маржон, марварид, лаъл, зумрад, қизил ва яшил рангли шиша, мунчоқлардан кенг фойдаланганлар. Бу қимматбаҳо тошлар маҳаллий савдогарлар томонидан Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлиги, Ҳиндистон, Эрон, Миср ва бошқа мамлакатлардан олиб келинган. Ҳар бир тош ўзига хос семантик хусусиятга эга, улар бахт, тотувлик олиб келади, ёмон руҳлардан сақлайди, баъзи тошлар юракни мустаҳкамлаб, касалларга шифо келтиради, деб ҳисоблаган заргарлар улардан ўз маҳсулотларини яратишда кенг қўламда фойдаланганлар. Хива заргарларининг



маҳсулотлари ўзига хос хусусиятларни акс эттириб, бошқа заргарлик мактаблари билан яқин алоқада ривожланиб келган. Шунингдек, улардаги шаклларнинг маҳобатлилиги, безак ва чизикларнинг қатъийлиги, асосан бўртма ва ўйма усулларни кенг қўллаш хос бўлиб, дашт аҳоли маданияти анъаналари ўзида сақлаб қолган қорақалпоқ ва туркман заргарлик мактаби билан ҳамоҳанглик кузатилади. Хоразмлик заргарлар хом-ашёни (асосан кумушни) Бухородан келтиришган ва ўз маҳсулотларини Хива, Тошховуз, Тахта-бозорларида сотишган. Хоразм заргарлик маҳсулотларининг ҳар бир тури заргарлик буюмларига шаклнинг нозик майдаланган хусусиятини олиб кирган шаҳар заргарлиги таъсири остида маълум ўзгаришларга учраган[11]. Аммо, бунда асосий фарқ ишлаб чиқариш технологиясида кузатилади, яъни хоразмлик заргарлар кумуш ва олтинга ўйма ишлов туширишган.

XX асрда Хоразм заргарлик безаклари олтин, кумуш, бронза, мис каби рангли металллардан фойдаланиб ишланган. Шунингдек, олтиндан асосан безаклар юзини қоплаш мақсадида фойдаланилган. Ҳар бир тош ўзининг сеҳрли кучига эга бўлган, яъни бахт ва омад, яхшилик келтирувчи, ёмон кучлардан асровчи, юракни мустахкамловчи, касалларнинг руҳиятида шодлик келтирувчи, деб ҳисобланган.

Хива Ичан-Қалъа музей-қўриқхонасида 200 дан ортиқ заргарлик буюмларидан иборат коллекция сақланади. Бу коллекция 80 йил давомида музей ходимлари томонидан йиғилган. Уларнинг орасида энг қадимийси эркакларнинг Шер боши тасвири туширилган узугидир. Бу узук VII асрга мансуб бўлиб, Хива Ичан-Қалъа музей-қўриқхонасида сақланаётган энг қадимий узукдир. Хоразмда аёлларнинг қадимий тақинчоқларидан манглайдузий (қошинна ёки куш ини), билозик (билакузук, билагузук), осмадузий, бурун чўпи, сочвоғ, даводузий, калитбоғи, сингсила, шавкала, ласкокил, бодомой, ўқ-ёй дузий, тангадузий, маржондузий, бутунтирноқ, яримтирноқ, жиғалар мавжуд бўлган. Қолаверса, аёлларнинг анъанавий тақинчоқлари хилма-хил бўлиб, улар этник ва локал жиҳатдан шакли, кўриниши ва қайси маъдандан тайёрланганлиги билан ҳам фарқланиб туради. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш керакки, аёллар тақинчоқлари ҳам турли тарихий даврларда ижтимоий-сиёсий муҳит, табиий шароитлар таъсирида ўзгариб, янги мазмун ва шакллар билан бойиб борган.

Хоразм воҳасида анъанавий тақинчоқлар одам жисмининг қаерига тақилишига қараб 3 та асосий гуруҳга бўлинади:

1. Бошга тақиладиган тақинчоқлар; улар ўз навбатида пешона, чакка, кулоқ, бурун, соч тақинчоқларидан;
2. Бўйин ва кўкрак тақинчоқлари;
3. Қўл тақинчоқларидан иборат[12].

Этнограф М.В.Сазонова тақинчоқлар ёш, жинс ва қайси кийимга тикилишига кўра фарқланиши ҳақида сўз юритар экан, уларни яна ўз навбатида қизлар, ёш келинчақлар, катта ёшдаги аёллар, эркаклар ва болалар тақинчоқлари каби гуруҳларга ажратган.

Совет даврида оғир ҳажмдаги тақинчоқларни таққан аёллар йиғилишларда қаттиқ танқид остига олинганлиги боис бурун тақинчоқлари аста-секин унитилди.

Октябрь тўнтаришидан олдинги даврларда қизларнинг бурун парраги турмушга узатилишидан аввалроқ, 15 ёшга етар етмас тешилган. Баъзан бу иш қиз турмушга чиқарилишидан кейинга ҳам қолдирилган. Агар қизнинг бурун парраги оила қуришидан олдин тешилса, у булоқи тақиши шарт бўлган. Булоқи эса ўша замонларда оддий жездан эмас, олтин ва кумушдан ясалган, яна кўзида жавоҳири ҳам бўлган. 60-йиллардан кейин булоқи тақиш ҳамма ерда барҳам топди. Лекин, эндиликда эса яна араваклар тақиш одати учраб туради.

XX аср ўрталарига қадар кўп фарзанд кўришни истаган аёллар маржон тақиб юришган. Воҳанинг Қўшқўпир тумани аёллари гулбанд номли тақинчоқ таққанлар. Гулбанд – хар хил рангдаги майда мунчоқлардан, узунлиги 25-30 см, эни 3-4 см бўлган мунчоқлар тизимидан иборат бўлиб, уни аёллар бўйнига таққанлар. Гулбанд-баданга тошиши мумкин бўлган ҳар хил тошмаларнинг олдини олади - деган қараш мавжуд бўлган. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам бу каби тақинчоқлар тақилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Воҳанинг бир қатор туманларида хапаванд тақинчоғи кенг тарқалган. Тақинчоқнинг бундай деб номланишига сабаб, у ўзининг эгасига келаётган хафагарчиликни боғлаб, қайтариш хусусиятига эга, деб ҳисобланган. Бу ихчам маржонлар шодасидан иборат тақинчоқ бўйин ва кўкрак тақинчоқлари сирасига киради.

Шавкала (ёки шокила) ҳам кўкрак тақинчоғи бўлиб, шавкала сўзи-шовқинли, жарангдор



деган маънони билдиради, яъни аёллар ҳаракатланганда ўзига хос овоз чиқарувчи тақинчоқ туридир. Қадимги халқ қарашларига кўра, ёвуз руҳларни шовқинли товуш билан ҳайдаганлар. Бундан ташқари, гўёки бу тақинчоқдан таралаётган товушнинг мусиқийлиги, оҳангдорлиги аёл кишининг қадам олишига боғлиқ бўлган. Шавкала атамаси биринчи марта 1740-1741 йилларда поручик Д.Гладишев ва Г.Муравин асарларида Сирдарё козоқ ва қорақалпоқ аёллари бош кийими сифатида келтирилади.

Кўлга тақиладиган тақинчоқлардан яна бири узук бўлиб, у аёллар ва қизлар орасида безак буюми сифатида кенг тарқалган. Кекса кишиларнинг таъкидлашларича, аёллар доимо кўлларига узук тақишлари лозим бўлган. Чунки, халқ қарашларига кўра кўлга узук тақмаган аёлнинг рўзгор ишларини бажариши ҳаром, яъни макруҳ ҳисобланган. Бу каби иримлар халқнинг исломгача бўлган қарашлари билан боғлиқ бўлса керак. Аёллар узуклари олтин, кумуш ва мисдан ясалиб, қизил, яшил, кўк ва мовий рангдаги ёқут, феруза, ақиқ, қаҳрабо ва турли рангдаги шишалар билан безатилган. Эркаклар ҳам кумушдан ишланган узуклар тақишган. Воҳада асосан узукни номсиз, кичик ва кўрсаткич бармоқларга узук тақишган. Узук тақиш қадимдан бойлик, ризқ, насиба, подшолар учун адолат рамзи ҳисобланган. Дунёнинг кўплаб халқларида тўй куни келин-куёв никоҳ рамзи сифатида бир-бирларининг кўлларига узук тақишган.

Хоразм заргарлик буюмлари материали, шакли ва ясалиш усулининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. XIX-XX – аср бошларида зарҳал бериш кенг тарқалган бўлиб, кумуш кўпроқ билагузук ва узукларга ишлатилган.

XX аср Хива заргарлик тақинчоқларида удум таъсирига берилиш ва шаклни соддалаштиришга интилиш каби жиддий ўзгаришлар кузатилади. Анъанавий кумуш асосий материал бўлгани ҳолда, Хива заргарлари феруза, майда мунчоқ, нозик ва рангли шиша ишлатиб, жездан унумли фойдаланганлар. Заргарлик буюмларини безашда зиғирак оммавий усулга айланди. XX асрда Хиванинг машҳур заргарлари А.Давлетов, М.Магчанов, У.Бобожонов, М.Сеитов, заргарлар бўлган.[13]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўрганилаётган ҳудуда аҳолининг тақинчоқлари ўзига хос этник ва локал хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турган. Айниқса, XX асрнинг биринчи ярмида зебу-зийнатларнинг асосий қисмини анъанавий турдаги миллий тақинчоқлар ташкил этган. Бу даврда тақинчоқлар ўзининг эстетик вазифаси билан бирга магик-эътиқодий хусусиятларини ҳам сақлаб қолган. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб уларнинг магик-эътиқодий хусусиятлари унитилган ва эстетик функциясигина сақлаб қолган [14].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аёллар либослари ва бош кийимларининг кескин шакли ўзгариши, замонавий кийим-бошлар ва тақинчоқларнинг кириб келиши ҳамда олиб борилган мафкуравий сиёсат таъсирида қадимий тақинчоқларни тақиш анъанасида ҳам ўзгаришлар яъни трансформациялашув жараёни юз берган. Аёллар томонидан булоқи, аравак каби бурунга тақиладиган сирғалар ва кўкракка ҳамда пешонага тақиладиган тиллақош, баргак, силсила, зебигардон каби қадимий безаклар кундалик ҳаётда чиқиб кета бошлаган. Бундай зебу-зийнатлар – хотин қизлар томонидан жуда кам тақилса-да, турли хил мунчоқ ва тақинчоқлар сақланиб қолган.[15]

Мустақилликдан сўнг анъанавий миллий русумдаги тақинчоқларга бўлган қизиқишнинг ортиши натижасида уста заргарлар томонидан олдинги даврларга хос миллий тақинчоқлар мажмуини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги маданий қадриятларимизнинг тикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шубҳа йўқки, Хоразм тақинчоқларининг шаклига кўра келиб чиқиши юқоридаги таҳлиллар билангина чекинмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам заргарлик асарларининг муқобилларини излаш у ёки бу шаклларни аниқлашгагина эмас, балки халқларнинг этногенетик алоқаларини ҳам ёритишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Сухарева О.А Вопросы изучения костюма Средней Азии // Костюм народов Средней Азии.-С. 5-13

2.Борозна Н.Г Особенности комплексов ювелирных украшений населения некоторых районов Узбекистана / Итоги полевых работ Института этнографии 1971 года. – М., 1972. с-74.



3. Сазонова М.В. Украшения узбеков Хорезма. // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии . М.: Наука 1970. – С 113.
4. Ахроров И. Такинчоклар таърифи. // Саодат. – 1997. - №3, - Б.27.
5. Топрак-Калъа. Дворец // ТХАЭЭ 14. – М : Наука 1984. – 167-168.
6. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: 1948. – С 86-87, 121-122, 129 рис. 23, 63-64, 73.
7. Фахреддинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Тошкент, Изд. литературы и искусства. 1988, -С 7.
8. Нуриллаева Ш. Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий кийимлари....Т., 2012.
9. Иванов П.П. Архив хивинских ханов 19 в М., 1940. С.37.
10. Элмира Гул. Хоразм заргарлик санъати. (Этномаданият мутаносиблиги) // Санъат. – 2002. №2. – Б.12.
11. Такинчокларни гуруҳларга бўлиб таснифлаш усули бир қанча тадқиқотчиларда ҳам мавжуд. Қаранг: Барозна Н.Г. Видк женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана // СЭ – 1974. С. 33; Чвир Л.А. Опыт классификации ювелирных украшений. С 103-112; Фахретдинова Д.А. Ювелирных искусство Узбекистана. – Т: Изд. Литературы и искусства, 1988. С 79.
12. Ювелирных искусство Узбекистана. – С. 115-134.
13. ЎЗРМДА . И -125, оп 1, хужжат 562, 70-варақ; Йўлдошев М. Хива давлат хужжатлари. Б 269.
14. Ботиркулов Т. Фақат кулоққа эмас. // Фан ва турмуш. №2, Т. 1995.Б .16-17.
15. Хива минг гумбаз шаҳри . Т. Шарқ. 1997.



ОГАҲИЙНИНГ МИРОБЛИК ФАОЛИЯТИ

Гўзалой Юсупова

Огаҳий уй-музейининг бўлим мудир

Абдуллаева Уллийим

Огаҳий уй-музейи илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада Хива хонлигидаги мироблик илми ва Огаҳийнинг мироблик фаолияти ҳақида айтиб ўтилган. Хива хонлигидаги суғориш каналлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Мироб, орналар, тўғон, соқа, таноб, казув, ёп, чиқи, Огаҳий, Мунис, Тошсоқа, Чағоллоқсоқа, Кавазаксоқа, Қочоқобод, Тўғритешик, Бешариқ, Ёрған

Хива хонлигида мироблик илмига ва мироблар маъсулиятига эътибор жуда кучли бўлган. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон I нинг хонлик даврида (1806-1825) Мунис Хоразмий –Шермуҳаммад мироб Хоразм мамлакатининг бош мироби сифатида иқтисодий ривожланишининг бош омили бўлмиш сув хўжалигининг такомил учун катта ишлар қилган, “Орналар” (дарёдан оқиб чиқадиган анҳорлар) ҳақида асар яратган.

Зоҳиран осон ва енгил кор деб қараладиган мироблик вазифаси аслида мушкулликлар, фавқулдда ҳодисалар баробарида, фавқулдда муаммоли ечимлар талаб этадиган машаққатли вазифадир.

Полвонёп дарёдан етти соқа – (Тошсоқа, Чағоллоқсоқа, Кавазаксоқа, Қочоқобод, Тўғритешик, Бешариқ, Ёрған), Ғазовот (Ғозиобод) уч соқа – (Байрамсоқа, Хўжаёрған, Ғазовотсоқа), Шовот канали 5 та соқа орқали сув тарқатган. Полвонёпнинг янги боши – Тошсоқа қурилиши, Дарёлик тўғони, Бўзёп, Шўрахон каналларининг қайтадан тикланиши бевосита Муҳаммадризо мироб – Огаҳийнинг раҳбарлигида амалга оширилган десак, муболаға бўлмайди.

Соқа ва бош каналларни лойқа-чўқиндилардан тозалаш ҳамда таъмирлаш ишлари, албатта, хон бошлиқ бари амалдорлар, бош мироб ва соҳибкор назорати остида, ички суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари эса, сув ичадиган деҳқон хўжаликлари томонидан мироблар назорати остида амалга оширилган.

Орнаю ёпларда сув жуда пастдан (2-3 метргача) оқади, уни юқорига чиқариш учун маҳсус мосламалар – ёғочдан ишланган чиқирлар (чиғирлар) ясалиши, шу даврнинг мураккаб ихтиросидир. Улар 3 хил – “Улли чиқир”, “Кичичи чиқир” (туя, от, хўкиз кучи билан айланттирилган) ва сувнинг табиий оқими ёрдамида айланадиган “Сув чиқир” деб аталади, уларнинг сони 100000 гача етган.

Катта чиқирда 36, кичик чиқирда 34 дигир бўлади. Дигир – сополдан ясалган хумча. Чиқир айланганда, унга боғланган дигирлар сувга тўлиб чиқади ва навога қуяди. 3,5 таноб ерни суғориш “бир чиқир суви” дейилади. Бу қарийб бир кеча-кундузда амалга оширилади. Сув навбатма-навбат, қишлоқ мироби назоратида олинади. Сувни навбатсиз олиш катта жанжалларга сабаб бўлган. Иложи борича навбат ўтказиб юборилмаган. Зўравонлик, бойваччалик кўп ҳолларда иш бермаган. Ҳатто қариндош-уруғлар орасида навбат масаласи осонликча ечилмаган. Хоразмда қадимдан қолган машҳур мақол бор: “Дигирмонни (тегирмон) газзигини (навбатини) берган бир кун, дигир газзигини берган бир йил оч қолади”.

Сув танқислиги, боридан ҳам ўта оқилона фойдаланиш масаласи кўндаланг турар экан, шу ўринда подшоликни ўйлантирадиган, таҳликага соладиган нарса халқ бирдамлигига путур етказмасдан, сувни тўғри тақсимлаш энг долзарб, бош масала ҳисобланган. Мана шу ўринда миробларнинг зукколиги, саводлилиги, элнинг ҳурматини қозона олиши иш берган. Шунинг учун ҳам хонликда бу мартабага мадраса илмини олган, астрономия, ҳисоб-китоб, геодезия каби аниқ фанлар билимдони бўлиши билан бирга, деҳқончилик ва суғориш илмидан бохабар, дарё оқими жараёнидан бой тажрибага эга бўлган етук илмли кишилар лойиқ деб топилган.

Буюк Британия элчиси Аббот (1840 й.), рус элчиси Г.И. Данилевский (1842 й.) Огаҳий билан учрашди, элчилар мироб шоирнинг тафаккур оламининг кенглигидан, сув ила боғлиқ муаммолар ечими, мураккаб сув иншоотларининг ҳисоб-китобларига алоқадор



билимларининг чуқурлигидан баҳраманд бўлдилар, унинг дарё тошқинлари чоғидаги одамларнинг фидойи жонбозликлари ҳикоятларидан ҳайратландилар, мироблик некадар нуфузли, масъулиятли ва оғир вазифа эканлигига гувоҳ бўлдилар, бу учрашувлар уларда катта таассурот қолдирди, деган маълумотлар бор.

Огаҳий айни кучга тўлган, 36 ёшида (1845 й.) қазув ёқасида отдан йиқилиб оёғи синади ва майиб бўлади. Аммо жисмонан бақувват, иродаси мустаҳкам шоир руҳини туширмайди. 1847 йилда Мадаминхонга ҳамроҳ бўлиб Кўхна Урганчга боради. У ерда Хонобод ёпи қазилади ва боғлар барпо этилади.

Огаҳий ўзининг иқтидорлиги, ишбилармонлиги оқибатидан, ҳаётининг энг олий неъматини бўлмиш сув ва ундан фойдаланиш илмини мукаммал эгаллаб, улкан давлат арбобига айланди.

Сабру қаноати туфайли элда азиз, ишга фидойилик, ишбилармонлик, юрт равнақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг мироблик даврида (1829-1857), юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмда кўпгина янги каналлар казилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳанинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ҳал бўлиши ҳазрат номи билан боғлиқдир.

Огаҳийнинг мироблик даври ҳали яхши ўрганилмаган ва ёзилмаган. Унинг тарихий асарлари (матн шарҳлари ила) чоп қилинса, Хоразмнинг суғорилиш тарихи янада ойдинлашади ва не-не илмий ишларга асос бўлади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Я. Ғ. Ғуломов “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” қадимги замонлардан ҳозиргача Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти Тошкент 1959 й.
2. Комил Аваз “Муҳаммадризо Огаҳий”, “Ҳаёти ва ижодига бир назар” Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Тошкент 2009 йил 11-бет.
3. В. В. Бартольд, История культурной жизни Туркестана, 113-бет

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(3-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000